



Ўзбекистон Республикаси номидан  
**ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Қўнғирот тумани 2022 йил 18 ноябрь 4-2303-2202/1120-сонли иш

Қўнғирот туманлараро иқтисодий суди, судья Д.И.Давлетов раислигида, судья ёрдамчиси М.Хошмуратова котиблигида, \*\*\*\* даъвогар “\*\*\*\*” акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар “\*\*\*\*” фермер хўжалиги ҳисобидан 34 022 132 сўм лизинг қарздорлигини ва 3 544 909 сўм пеня ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар вакили \*\*\*\* (ишончнома асосида) иштирокида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

Ўзбекистон \*\*\*\* (бундан буён матнда палата деб юритилади) “\*\*\*\*” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Қўнғирот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, “\*\*\*\*” фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 34 022 132 сўм лизинг қарздорлигини ва 3 544 909 сўм пеня ундиришни сўраган.

Палата ўз даъво аризасида суд муҳокамасини палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили судга 2022 йил 18 ноябрь кунги 11-02-24/254-сонли маълумотнома тақдим қилиб, жавобгарга нисбатан судга даъво ариза киритилганидан кейин жавобгар томонидан асосий қарздорлик бўйича тўловлар қисман бартараф қилинганлигини билдириб, асосий қарздорликнинг қолган қисмини ундиришни маълум қилиб, пеня қисмини судга ҳавола қилди.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили иштирок этмади, ариза юзасидан фикр билдирмади.

Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларига асосан жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишда иштирок этувчи шахслар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ҳужжатлар билан танишиб, қўйидаги асосларга кўра даъво талабларини қисман қаноатлантиришни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 587-моддасига кўра, лизинг шартномаси бўйича

лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

“Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Бунда ушбу Қонуннинг қоидалари қўшимча лизинг шартномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилади.

Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

ФКнинг 590-моддаси ҳамда “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига мувофиқ лизинг тўлови лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фойзли даромадидан иборат бўлади.

ФКнинг 597-моддасига мувофиқ, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шартлиги белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, “\*\*\*\*\*” акциядорлик жамияти Қорақалпоғистон Республикаси филиали (кейинги ўринларда Лизинг берувчи) ва “\*\*\*\*\*” фермер хўжалиги (кейинги ўринларда Лизинг олувчи) ўртасида 2019 йил 10 декабрда 19/01-4-602-УФ-сонли лизинг шартномаси (кейинги ўринларда Шартнома) тузилган.

Шартноманинг 1-бандига кўра лизинг берувчи “TD 5.110 4WD” русумли 1 (бир) дона тракторни лизинг олувчининг буюртмаси асосида “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖдан лизинг берувчининг ўз маблағлари ва тижорат банкларидан жалб этилган кредит маблағлари ҳисобидан ўз мулки этиб сотиб олади ва лизинг олувчига лизингга бериши, лизинг олувчи эса лизинг объектдан фойдаланиш, эгалик қилиш, лизинг тўловларини ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган.

Шартнома шартларини ижро қилиш мақсадида даъвогар 2020 йил 31 январдаги топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан лизинг объектини жавобгарга топширган.

ФКнинг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда

қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Лекин, жавобгар ўз мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги сабабли, 2022 йил 10 октябрь ҳолатига лизинг тўловларидан 34 022 132 сўм қарздорлик вужудга келган. Мазкур ҳолатда, суд даъвогарнинг асосий қарз ундириш талаби ишда тақдим этилган далиллар ва суд мажлисида тарафлар вакилларининг берган кўрсатмалари асосида тўлиқ ўз тасдиғини топганлиги боис мазкур талабни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Бироқ, тарафлар вакилларининг суд мажлисида берган тушунтиришлари ҳамда даъвогар томонидан тақдим этилган 2022 йил 18 ноябрь кунги 11-02-24/254-сонли маълумотномага асосан судга даъво ариза киритилганидан сўнг жавобгар томонидан даъвогар олдидаги асосий қарзи бўйича тўловларни қисман амалга ошириб, қарздорликни қисман бартараф этган.

Шу сабабли суд даъво талабининг асосий қарзни ундиришни қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Шунингдек, даъвогарнинг даъво аризасида шартномадаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгардан 3 544 909 сўм пеня ундириш талаби қўйилган.

Шартноманинг 8.3-бандида лизинг тўлови шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдор ва муддатларда амалга оширилмаса, жавобгар тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

ФКнинг 333-моддасида қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши белгиланган.

Жавобгар томонидан шартномавий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги ҳамда даъвогар томонидан пеня тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги сабабли, суд даъвонинг пеня ундириш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблайди.

ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок қилувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 2-бандига асосан судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг

адолатли миқдорини белгилашлари шарт. Шунга кўра, суд даъво талабидаги кечиктирилган тўловлар учун ҳисобланган пеня ундириш талабларини кўриб чиқиб, даъвогар ўз вақтида ундириш чораларини кўрмасдан, пеня сўммасининг кўпайишига сабаб бўлганлигини инобатга олиб, пеня сўммасини камайтириб, талаб қилинган 3 544 909 сўм пеня миқдорини 531 736,35 сўмгача камайтиришни, пенянинг қолган қисмини рад этишни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Суд, юқоридагиларни инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236, 252, 255, 293, 587, 590, 597-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “\*\*\*\*” фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар “\*\*\*\*” АЖ фойдасига лизинг тўловлари бўйича 31 622 132 сўм асосий қарзи, лизинг тўловлари кечиктирилганлиги учун 531 736,35 сўм пеня ва 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар “\*\*\*\*” фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 751 340,82 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (прокурор эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаати асосида протест келтириши) мумкин.

Апелляция тартибида кўрилмаган иш кассация тартибида кўриб чиқилмаслиги ишда иштирок этувчи шахсларга тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи, судья**

**Д.И.Давлетов**